

Хуршида Нишонова




СИРЛИ БЕДОРЛИК
Шеърлар

**«Наманган» нашриёти
2007**

Ушбу тўпламни чоп этишда ҳомийлик ёрдами кўрсатган «Эргашбой ота» фермер хўжалигига муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

84(55)6-5



10 33139
0

НГ $\frac{633 - 1424.66 - 1273300}{634 - 1.0 - (05) - 07}$ 2007.

ҲАВАСДАН ӢИРОҚ СЕВГИМ

Билмайын сүзламак гүноҳи азим,
Чиндан ҳам севгимга ноҳақ экансиз.
Дилни асир этган бегона ҳисни,
Ишқ змас, шунчаки ҳавас дегансиз.

Ҳавас деган түйагу ўткىнчи асли,
Нима үчүн мендан ўтиб кетмайды.
Қалбимни яшнатса мұхаббат фосли,
Ағсуски, бу сизни асир этмайды.

Гарчи бир мұхаббат бўлмоғи шартдир,
Лекин ўзга ёрга ошиқар дилим.
Бугун ҳаста вужуд ишққа сармасдири,
Чүнки ишқ меники, меники кўнглим.

Яхши тушунмабсиз мени азизим,
Чинакам севги-чун олятман нафас.
Лайли-ю, Зұхрода тенглашмасам ҳам
Мастона түйгулар бўлмагай ҳавас...
Севги бўлса керак, ҳавасмас, балки...

* * *

Қачонлардир сени қилардим орзу,
Қачонлардир сенга интилган юрак.
Наҳотки, мен үчүн бўлгансан эртак,

Оқ қорга йўғрилган самимий түйагу.
Қаҳрингдан титраган эдим ўшандо...
Сен менинг хаётим бўлишинг керак.
Мени чорлаётир кафланган ер,

*Мұхаббатим сенға бүлдіми әрмак.
Қайғу қанотимни қайирған қотил,
Қишлоған - хижрон,
Қишлоған - висол.*

*Изтираб фасли
Мени күзларымда мұхаббат зохир,
Сенинг юрагингде хиёнат асли.
Қачонлардир сени қиласадим орзу...*

* * *

*Мұхаббатга ошуфта ягона Хуршидаман,
Яратғаннинашыға ҳайрона Хуршидаман.
Дүнё бир карвонсарой, лек бағтга топилмай жой,
Ишқимга беріб чирой сүзона Хуршидаман.*

*Хаётим деб япроқни, отам дея тупроқни,
Онам дея чирокни парвона Хуршидаман.
Бўлолмадим тош бағир, қийнайверар ишқ оғир,
Орзуға тўла қалбим османа Хуршидаман.*

*Кетболмай тўрт томонга, зарман омон-омонга,
Ҳам яхши, ҳам ёмонга дўстона Хуршидаман.
Ташна бўлсан қонимга, содикман имонимга,
Висолни деб жонимга бегона Хуршидаман.*

*Очун отлиғ мезбоннинг мезманы бўлдим мано,
Ўшал шоҳ Машраб каби деғона Хуршидаман.*

РАҲБАР АЁЛ
(Мехрибоним Аҳмедова Ҳосннат ояга).

Сиз муниса, дилингизни гулга берган,
Сиз оташсиз, ҳдётингиз нурга берган.
Дил дардимни тушунади ким сиз каби,
Юрагида бор бисотин элго берган.
Тарих үнди сизни қошу - кўзингиздан,
Ўргилайин, опа сизнинг ўзингиздан.

Эр йигитнинг шиддатидек шиддатингиз,
Юрт ичида бордир юксак ҳурматингиз.
Аёл шаъни қиёматли ҳамроҳингиз,
Париларга мавзу бўлсин сұхбатингиз.
Сиз инсонга баҳт яратиб берган аёл,
Виждан амрин кошонасин қурган аёл.

Айтимаган эртаклари кўп дунёning,
Ушалмаган тилаклари кўп дунёning.
Эллик ёшини коралоб эл бўйлмаган,
Ердан чиққан курмаклари кўп дунёning.
Лек сиз менинг тиласимсиз раҳбар аёл,
Мехрибоним, юрагимсиз раҳбар аёл.

* * *

Ҳаёт экан, ҳаёт экандо,
Айро тушди тақдир ийлимиз.
Йиллар оша умр ўтсада,
Ритубатдо ўтди умримиз.
Увишарди ҳаста юрагим,
Лаҳзаларда номингни ўйлаб.
Лолазорда қолган тиласим,
Оним утор мадҳингни күйлаб.
Ёнаяпман бир сени ўйлаб...

ҚАБРИСТОНДА

*Күзги майдо чибин сингари,
Ғашга тегиб ёғаяпти қор.
Қишлоғимнинг бир чеккасида,
Суқунатда ётибди мазор.*

*Құклам чози күкарған мазор,
Ү қайтадан кийибди кафан.
Изгиринда тұғайды сабр,
Сұңг томирда рақс тұшади қон.*

*Кетаяпман қабр оралаб,
Гүё кимдир маюс тикилар.
Оёғимни боярига босиб,
Қорлар түк кишидек кекирар.*

*Таниш қабр ёнига келиб,
Чүккаладим... (Ночор афтидан)
Құлларимни ўпар оппоқ қор,
Нажот излагандай кафтимдан.*

*Қабрнинг бошига эгилган бодом,
Қор парчадан оппоқ либос кийибди.
Иболи, җаёли келинчак монанд,
Қадди ёй, бошини зғиб түрибди.*

*Қанча турдим экан била олмадим,
Аёз чимчилайди юзим, бүрнимдан.
Бир калима дуо ўқидим кейин,
Сұңг аста құзаолиб турдим ўрнимдан.*

*Ногоҳ, үйга толдим кетар чагымда,
Шу чукур сүкүнат менинг ҳам үйим...
Күкламдаги терак гулидек,
Құвонтириб ёаяпты қор.*

*Күмүш түшак түшаб үстига,
Сүкүнат ичіда ётибди мозор.*

... га

*Сен келган күн күнгил қубониб,
У юраги торлар үшглайды.
Кече мени қалака қилған,
Минг бир алами борлар үшглайды.*

*Кечагина жоним үртаган,
Изтироб озорлар үшглайды.
Дардларимга гүвөх сайланған,
Ул бесар бозорлар үшглайды.*

*Сен келган күн хиёнат ёниб,
Хасад ичра морлар үшглайды.
Кече менга аталған машыум,
Бағти қаро дорлар үшглайды.*

*Сен келган күн қалбим үйини,
Тарқ этған оздорлар үшглайды.
Ошиқ булбулларға ҳамнафас,
Танбур ила торлар үшглайды.*

*Сен келган күн ялпизга ошна,
Жилга-ю андорлар үшглайды.*

*Иккимизни дүчор айлаган,
Бинафша баҳорлар йиғлайды.*

*Сени қарши олдим жилемайиб,
Күзимда хүморлар йиғлайды.
Бизни бизга бегона этгән,
Улану ёр-ёрлар йиғлайды.*

* * *

*Гапириңг, гапириңг,
Мұхаббат ҳаққи,
Согинч соя солған дард ҳаққи сүзланғ.
Мен эса кетаман очундан кечиб,
Мени қаро түнлар түшлардан изланғ.*

*Гапириңг,
Кіксимни тилиб қонидан,
Күлімга хинолар қүйгәни ҳаққи.
Факотгина бир бор согинсанғиз бас,
Хаммадан ҳам сизни сүйгәним ҳаққи.*

*Гапириңг,
Хижронда түккан ёшларим,
Бир қултум об каби қаарлироқми?
Бизни бир үмрга боялаган ришта,
Мұхаббат -висолми ёки фироқми?*

*Гапириңг,
Түпрокқа айланыб,
Заминга қүшилиб кетсайдим кошки.
Мұхаббат нағосин тиндиңмай охир,
Жаннатий висолга етсайдим, кошки.*

*Гапириңг,
Қулоаим том битиб асло,
Эшитмай құядан сүзларингизни.
Мен факт құмсаиман ҳар нағасимда,
Ишқимиз макони қүзларингизни.*

ОГРИК

*Бүлсам. би динёни армон сияркан.
Бахтини бироғга бериб құяркан,
Келин бўлмай она бўлган аёллар.*

*Яратган эгамга арзи бор унинг,
Адо этилмаган фарзи бор унинг.
Адо этилмаган фарзи бор унинг.
Ҳаттоқи баҳтдан ҳам қарзи бор унинг,
Келин бўлмай она бўлган аёллар.*

*Раҳм сўрамайди, сўрамас шафқат,
Ортиқ чидамокқа топмайди тоқат.
Кенг кўринар унга қайиқдек лаҳад,
Келин бўлмай она бўлган аёллар.*

OTA

(Камоланинг тилидан).

Ota!

*Сиз яратган ҳаёт бир дунё эди,
Рутубатли тун ҳам нур зиё эди.
Сиз кетгач бу дунё қолди хувиллаб...*

Ota!

*Курагимга ботиб турибди согинч,
Қалбимда чўгланиб турар бир илинж.
Сизни тушларимда қурармиканман...*

Ota!

*Юрагимнинг ярми йўққа ўхшайди,
Қалбимнинг қаърида арман пашайди.
Сизга қувонч ҳадя этолмаганим.*

Ота!

*Чиқмас бўлиб ботиб кетган қуёшим,
Нилга тенглашади дилдаги ёшим.
Лекин сувратимдан шўхга ўхшайман...*

Ота!

*Айланинг Расулнинг (Мұҳаммад с.а.в)
умматларига,
Лойик бўлинг ҳақнинг раҳматларига.
Жаннатий висолга эришинг...*

Ота!

Сиз яратган ҳаёт бир дунё эди..

ИККИ ЁШЛИ ГИЁХВАНД ОДАМ

*Тонгдан каравотни тақиллатади,
Жажжси ўйинчогин шақиллатади.*

** Ҳатто мураббийсин лақиллатади,
Икки яшар гиёхванд одам.*

*Нур қочиб улгурган унинг кийидан,
Ақл юз ўғирган қордек юзидан.
Маъно уқолмайсан айтган сўзидан,
Икки яшар гиёхванд одам.*

*Айби унинг барвақт тугилганида,
Аросатга бевакт сукилганида.
Дунёга келмасди гар билганида,
Икки яшар гиёхванд одам.*

*Беланчак симидан термулади жим,
Унинг отаси дим, Волидаси дим.
Уларга меҳрини бера олар ким?
Икки яшар гиёхванд одам.*

Гаҳида йиғлайди беүн ва бесас,
Уларни дүнёга келтирди нокас.
Азобда яшайди ҳар дам, ҳар нафас,
Икки яшар гиёхванд одам.

Улар зурриёди ҳирс түйауларнинг,
Мудом асиридир гам-қайгуларнинг.
Туғилгани экан айби уларнинг,
Икки яшар гиёхванд одам.

Бошини деборга үриб яшайди,
Бирорнинг «сўйска»син сўриб яшайди.
Дунёни билмасдан кўриб яшайди,
Икки яшар гиёхванд одам.

ОТАЖОН

Кўнглингиз чекади нимадан озор,
Нимани хоҳлаисиз, термуласиз зор.
Пушаймонлар қилгум, албатто, минг бор,
Отажон, мен сизни ранжитганимда.

Гоҳо сўзларингиз қалбимга ботар,
Юрагим тубида оғриқлар ётар.
Кўзёшлар киприкда тинмас, шашқатор,
Отажон, мен сизни ранжитганимда.

Вужудим армонга жўшиб кетади,
Орзуладар аламдан ўчиб кетади.
Хуршида бир ёққа кўчиб кетади,
Отажон, мен сизни ранжитганимда.

*Биламан, бас энди, йиғлаш беңуда,
Сиз билан ҳаётим баҳтли, осуда.
Үзимдан ҳам ҳафа бўламан жуда,
Отажон, мен сизни ранжитганимда.*

ТУПРОК

*Коронгу саҳнага қўймадим чирок,
Мени енга олмас алам ва фирок,
Мен учун табаррук, азиз саналар
Онам кўз ёшлари тўқилган тупрок.*

*Кимлар нола қилар, менга бойлик бер,
Яна ким, мен учун баҳт атоб эт дер,
Менга тупрок азиз, үнга тўқилган
Мехнаткаш отамнинг манглайидан тер.*

*Тупроқдан яралмоқ ҳақиқатимдир,
Қайта ҳок бўлмоқлик дақиқатимдир.
Авлодлар ҳокига қоришган бу ҳок,
Шу муқаддас тупрок тариқатимдир.*

КЕЛОЛАСИЗМИ?

*Кетгин дедим, кетмадинг буткул
Келгин десам, келмогинг мушкул.*

*Себдим дея, оловдек ёниб
Вафоли ёр бўлоласизми?
Бугун эса армондан тониб
Келинг десам, келоласизми?*

*Бүнчалар күп аламларингиз,
Рашк этади санамларингиз,
Менсиз торми оламларингиз?
Келинг десам, келоласизми?*

*Бахти бутун баҳтсизим дейму?
Ишқи алдоғ аҳдсизим дейму?
Дил қасрида таҳтсизим дейму?
Келинг десам, келоласизми?*

*Қалб бобида устаси фаранг,
Сизде йүкми, айтинг нағранг,
Күзде ёшим қалқиди, қаранг,
Келинг десам, келоласизми?*

*Келинг, дил ороиі бўлиб,
Мұхаббатнинг чироиі бўлиб,
Дил кўшкунинг нурсийи бўлиб,
Келинг десам, келоласизми?*

МЕН ЖУДА ЁНАМАН

*Кимнидир кулдирсам, кимни күйдирсам,
Кимнидир, жонидан бүткүл түйдирсам,
Ногаҗон, ишқимни үзим үлдирсам,
Мен жуда ёнаман, жуда ёнаман.*

*Савобим жуда оз, гуноҳим бисёр,
Дўстларим ёнимда турса, дил афгор,
Онамнинг кўнглига берсам кўп озор,
Мен жуда ёнаман, жуда ёнаман.*

*Садоқатни излаб хиёнат кўрдим,
Мұхаббатдан сўзлаб кўп нафрат кўрдим,
Бахт аксида үзим бир бебаҳт кўрдим,
Мен жуда ёнаман, жуда ёнаман.*

*Дилда бир дозим бор, баҳтим шу додған,
Ўзим-чун баҳт сурәмай қўйдим Аллоҳдан,
Ҳеч қўрқмайман, қўрқмай қўйдим гунаҳдан
Мен жуда ёмонман, жуда ёмонман.*



ОНАМГА

Сени ҳаста, ночор айлаган,
Армонларга дучор айлаган,
Күзингизга мингни жойлаган,
Бу дунёни алдайман, она.

Мехнатида этиб қаддинг дол,
Ёш үмрингни айлаган увол,
Оау туттган, туттмайин әеч бол,
Бу дунёни алдайман, она.

Килок туттмай нолаларингга,
Күздан оққан жолаларингга,
Оқ дард қүшган толаларингга,
Бу дунёни алдайман, она.

Тупроқ каби яшай олмайман,
Очунга гул түшай олмайман,
Она сенга үхшай олмайман,
Бу дунёни алдайман, она.

Ишонмайман вафоларига,
Бош эгмайман жафоларига,
Юз туттмайман қароларига,
Бу дунёни алдайман, она.

Саждага бош күйганинг ҳаки,
Күзингдан ёш оққани ҳаки,
Күлимга тош бергани ҳаки,
Бу дунёни алдайман, она.

Йиалаб турраб. куламан бир күн,
Зафар күйин чаламан бир күн,
Голиб бўлиб, ўламан бир күн,
Мен дунёни алдайман, она.

СУЯНАМАН

Йиғласам, ёронлар қилмаса парво,
Күзимга сиямаса бу күжна дунё.
Үткінчи шодликдан күрмасам вафо,
Армонга сұянаман...

Гул-гүнча ишқида булбұл күймаса,
Покиза севги деб, күнгіл күймаса,
Кетаримдо мени шу гил сүймаса,
Хижронга сұянаман...


Мени йүқломаса муродбаҳш күнлар,
Ранжитсам биробни үхлатмас түнлар.
Қалбимни қийнаса юраги хүнлар,
Виждонга сұянаман...

Гар топсам, йүқотиб қүйган үзимни,
Қалбимға нур келиб, очсам күзимни.
Шунда мен қиблага буриб юзимни,
Имонга сұянаман...

* * *

Хом сут каби күкиш
Тонг инжусин күрдим.
Тароқ ясаб сабодан,
Сочимни ўрдим.
Кипригимга осилиб маъсум хаёллор,

Мени ўйламоққа
Мажбур этдиilar.
Сиз билган юраклар
Кетган тилиниб,
Ундаиди хаёллар
Күйламоқликка.
Кўнгил тилсимидан
Сирлар ўтдиilar.
Қалбни ҳаста этган,
Қандаийин оғсун.
Хаёлим эгаллаб,
Олгансан бутун.
Борлигим боячи-
Бу қандаӣ түйагу?
Бу чинакам ишқдир,
Мусаффо кулгу.
Хаёллар-бир шамдир...
Нафасинг Ҳур ел.
Сен хаёлни нафасинг
Бирла ўчирдинг.
Нечун?
Нечун?
Мужгонларинг намдир,
Қарогингда сел.
Сени маъсум кўзинг ва ширин сўзинг,
Мангуга хаёлим оларди.
Бирок...



*Хиёнат ханжарин
Санчдинг қалбимга.
Изтиробни барин
Сочдинг бағримга.
Энди хаёлларим саргардон этма.
Кетақол...
Кетақол...
Ишқингни пинжона этиб.
Яна нега?
Күнгил гүлшан бозини
Топтаб ўтдинг.
Айтдим-ку ахир,
Кетсангчи...
Кетақол...
Кетақол...
-Йўқол,-дэйишими кутмагин алҳол.
Ёки кутасанми?
Йўқол!!!
Хаёлларни саргардон этган.
Муз каби ҳижронлар
Ёнимдан кетгин,
Кет...
Нафратимдан сира қўрқмайсанми айт.
Яхшиси кетақол,
Тез орқангга қайт.
Шу замон ҳайратда тикилдинг менга.
Э вах...*

*Бунчалар ҳам нигоҳинг ўткир,
Исёнкор қалбимга
Наштардай ботар.
Нигоҳингга бардош
Беролмайди дил,
Ёки, бу сеҳрдан дарё бўлса сел.
Ёки, тиркираган ҳисларим қуюн,
Ногоҳ олов дилда
Бурксийди тутун.
Ёки, тоғлар синди,
Дарёлар тошди.
Юрагимнинг оби кўздаги ёшдир.
Кўкимтири тонг үзра малла сочполук
Тақиб чиққан
Тилло кокил қуёшми?
Энди сенга бу кун
Жила сувидек,
Қошингга ошиқар
Бу ҳаста юрак.
Ногоҳ олов олса,*

*Дилда ҳиёнат
Гуллаган сөвгидан
Күл қолар фәқат.
Энди биз учрашсак,
Бебафо зрком,
Күйимиз,
Үйимиз,
Қалбимиз күркам.
Сен бағтли бўлақол,
Мен бўлай сирдош.
Ҳиёнат, жафога
Кўйиб қабртош.*



ВАТАН

*Таърифингга тополмайин сўз,
Мен шунчолар бўлибман ожиз.
Эркаланиб қучокларингда,
Үлтирибман бугунча ёлгиз.*

*Тупрогингдан олиб Бир соким,
Кўзга суртдим, қилдим тўтиё.
Қайнок қуёш тафтидац дилим,
Торларидан таралар садо.*

*Бу шунчаки бир ҳою-ҳавасмас,
Ватан тупрогингда мангу қолсам бас.
Сенсан жаҳониму у дунёйим ўзинг,
Замин сен Ватансан, қиласман ҳавас.*



БЕДОРЛИК

*Дўстингман деганинг сири бўлса фош,
Хаёт йўлларида ёв бўлса йўлдош.
Севгининг ўтида топмасам бардош,
Жисм ичра жоним қушдек яшайман.*

*Байларнинг бойлиги бўлса бефойда,
Камбагал хўрланса, ҳар дам, ҳар жойда.
Лек инсоф бўлмаса ҳаттотки ойда,
Мискин кўзлардаги ёшдек яшайман.*

*Дил богида меҳр куртак очмаса,
Қалбимни тирнаган ҳислар кочмаса.
Чин севги қуёши нурин сочмаса,
Жондан жудо бўлиб тошдёк яшайман.*



АЛАМ ҚИЛСИН

*Изтиробда түйгөнлигинг алам қилсин,
Бебафони сүйгөнлигинг алам қилсин.
Үзға ишкни оташига кириб қалыб,
Хижронида күйгөнлигинг алам қилсин.*

*Бағритошим бағоларни билармидинг,
Дил яроси-жағоларни билармидинг.
Баҳт яратған дүнёларни билармидинг,
Ишқи бутун қалблар сенга алам қилсин.*

*Рашк аурурга мангу йўлдош ўртоқмидинг?
Айтчи мени юрагимдан ўироқмидинг?
Ҳиёнатнинг йўлларида чироқмидинг?
Садоқатнинг сўқмоқлари алам қилсин.*

*Боқсанг эди кўнглимнинг гул болларига,
Назар ташла, дилнинг ҳушнуд чоғларига.
Бўйлашолмай баҳтнинг юқсак тоғларига,
Ишқдан қолган қора додлар алам қилсин.*



НАВРҮЗ

*Дунёнинг энг баҳтиёр, чарогон рўзи Наврӯз,
Ҳаёт меҳмонхонасин битмас ризқ-рўзи Наврӯз.
Аёзда бу очуннинг кўнгалин чулғамиш ялдо,
Ялдо тун соя солган дилнинг қиндузи Наврӯз.*

*Навбаҳор кенг оламга чечак тақмиш оҳиста,
Оҳиста чечакларнинг нозик илдизи Наврӯз.
Мунглиғ қабрлар аро қабр тошин қўзгатган,
Алвон рангин улашган, лоланинг қизи Наврӯз.*

*Жилгага маъюсгина нигоҳ қадаб яшаган,
Ул Мұҳаммад Юсуфнинг сўйган ялпизи Наврӯз.
Бүгун озод юртимда улуг байрам, тантана,
Бундай тантаналарнинг бўлсин азизи Наврӯз!*

МЕН

*Дунёning кўзлари кўр экан,
Нафсига ёндошган қул экан.
Аччиқ ёш эмган боз чўл экан,
Висолнинг уйидан иироқман.*

*Задаман қоронгу осмондан,
Тилайман зиёни чўлпондан.
Умидни тополмай армондан,
Мұҳаббат куйида фироқман.*

*Оташман оламни куйдирган,
Ўзингни ўзимга сүйдирган.
Согинчга дил жомин тўлдирган,
Хаяжон уйготган титроқман.*

*Кўнгилдир, кўз ёшга чўмилган,
Энг оппоқ орзуга кўмилган.
Япроқман заминга тўкилган,
Пойинга ястанган тупроқман.*

*Дунёning кўзлари кўр экан,
Телбабор туйгулар аўр экан,
Тақдирнинг манглайи шўр экан,
Маъсумा дилларга чироқман.*

* * *

Юрагимга қаср қурдим,
Хүп ажиб қаср.
Унда мен малика бўлиб яшайман.
Кўнгил кишварида ҳилол отама.
Ўхшасам қуёшга ўхшайман.
«Гадо» деб санама ўзингни,
Ғурурлансанг сендан қайтаман.
Агар севсанг мени жонингдан,
Шаҳзодам-сен дея айтаман.
Биримиз шоҳ,
Биримиз малак,
Қалб үйини этайлик обод.
Висол отлиғ бу кошонани,
Согинч бирла қилмайлик барбод.



ДУНЁ

Бахтимни ол.
Дардингни бергин,
Дилга чандон гардингни бергин.
Газал, достон энди на хожат,
Бир нажотбахш фардингни бергин.
Сүзим бўлса ногод пайдар пай,
«Сархуш бўлган у майхўр», дегин.
Ёки борлигингни сезмасам,
Юраги тош, кўзи кўр дегин.
Англамагин мени бир лаҳза,
Гулоб ичсан дил чорбогида.
Изламагин мени эй толе,
Доғлар тўлган кўнгил бозида.
Кўнгил-сирли сандик.
Асрорлар кўп,
Дардлар бисер.
Ва ularни тўқмоқчиман.
Эргашмасин ular ортимдан.
Тутолмасин қўлларимдан у.
Сўнгги манзилимда тинч яшай,
Ўртамасин жонни қайгу.
Етар...
Этагимни қўйвор эй нажот,
Узокликни сўрама умрим.
Бахт бодига бошлама шеърим,
Мен сен каби эмасман мангур,
Дунё-осли ўткинчи туйгау.

ИЗН БЕРАРМИКАН НАВОИЙ

*Мажнундек саҳрони кўргим келяпти.
Ул ўйхи Лайлони кўргим келяпти.
Сўнг икки дунёни кўргим келяпти,
Изн берасизми Ҳазрат Навоий.*

*Ёшларим тўқилур азим тошларга,
Тош-ёмаир тушажак дарднок бошларга.
Қарасам қаро кўз камон қошларга.
Изн берасизми Ҳазрат Навоий.*

*Булбулга кўнглимни берсайдим, кошки,
Навоға ўйимни берсайдим, кошки.
Тақдирга ўйимни берсайдим, кошки
Изн берасизми Ҳазрат Навоий.*

*«Ҳамса» беш миллион баҳтимдир маним,
Илоҳий муҳаббат таҳтимдир маним.
Висолга етишмок аҳдимдир маним,
Изн берасизми Ҳазрат Навоий.*

*Мажнундек саҳрони кўргим келяпти.
Оловранг ҳинони кўргим келяпти.
Беҳишту бақони кўргим келяпти,
Изн берасизми Ҳазрат Навоий.*

ҮН САККИЗ ЁШИМДА

Гоҳида ер, гоҳо магрүр фалакман,
Ким үчүн армөнман кимга тилакман.
Халиям бебошман дили мургакман,
Нечүн құлларингдан тутолмай қолдим?
Үн саккиз ёшим...

Ялпизлар ялинчоқ дүгонам эди,
Қүйнімда қүгирчоқ дүгонам эди.
Орзу зәң қадрдан җамхонам эди,
Наҳот, құлларингдан тутолмай қолдим?
Үн саккиз ёшим...

Үйнардим күчада чангитиб тупрок,
Тирсагимда ямок, тиззамда ямок.
Менинг дүнёимда бўлиб қалдирок,
Афсус, құлларингдан тутолмай қолдим?
Үн саккиз ёшим...

Шивирлайди кимдир:
«Бас қил нолишни»,
Бу умр дарёси қүймас оқиши.
Барибир күнгилнинг экон ходиши,
Дедим, құлларингдан тутолмай қолдим?
Үн саккиз ёшим...

ЎЗБЕК ЎГЛОНИ

Мардлар ичра зўрисиз,
Қалбимизнинг қўрисиз.
Қўзимизнинг нурисиз,
Жасур ўзбек ўглони.

Эл тинчлигин үйлаган,
Шаҳдам юриб куйлаган.
Садоқатдан сўйлаган,
Жасур ўзбек ўглони

Хур диеёрнинг жонисиз,
Томирдаги қонисиз.
Ўзбегимнинг шонисиз,
Жасур ўзбек ўглони.

Халқ сиз билан баҳтиёр,
Темур руҳин айланг ёр.
Сиз борсизки, душман xor,
Жасур ўзбек ўглони.

Аямасдан ёмонни,
Юрт учун бериб жонни.
Дилда асрар имонни,
Жасур ўзбек ўглони.

МУНДАРИЖА

Ҳавасдан йироқ севгим	3
Қачонлардир сени қилардим орзу	3
Мұхаббаттаға ошуфта	4
Рахбар аёл	5
Хаёт экан	5
Қабристонда	6
... га	7
Галиринг	8
Оғриқ	9
Ота	9
Икки ёшли гиёхванд одам	10
Отажон	11
Тупроқ	12
Келоласизми	12
Мен жуда ёнаман	14
Онамга	15
Сүяноман	16
Хом сут каби	16
Ватан	21
Бедорлик	22
Алам қилсін	23
Наврүз	24
Мен	25
Юрагимга қаср қурдим	26
Дунё	27
Изң берармикан Навоий	28
Үн саккыз ёшимда	29
Ўзбек ўглони	30

Адабий-бадиий нашр

Хуршида Нишонова

СИРЛИ БЕДОРЛИК

Шеърлар

Мұхаррир: **Жамолиддин МУСЛИМ**
Тех. мұхаррир: **F. МУЛЛАБОЕВ**
Мусақхиқ: **С. ХОЖАЕВ**
Компьютер
оператори: **Қ. ТОШХОЖАЕВ**

Теришга 14.05.2007 йилда берилди.
Босиши 21.05.2007 йилда рухсат этилди.
Газета қоғозига оффсет усулида чоп этилди.
Бичими 60x84 1/32. Ҳажми 1,0 босма табоқ.
Адади 500 нұсха. Буюртма № 304. Баҳоси
келишилган нархда.

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри,
А. Навоий кўчаси, 36-уй, 3-қават.

«Чуст босмахонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри,
Сўғизода кўчаси, 8-уй.